



“...Адвокатлар нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шарт”¹.
Шавкат МИРЗИЁЕВ



ҲАЙЪАТ, ФИРМА, БЮРО АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДА

Валишер ДАВЛЯТОВ,

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

хузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти

Республикамизда адвокатура институти самардорлигини тубдан ошириш, адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилиб, адвокатларнинг ўз касбий фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базасини яратиш бўйича қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди².

Шу билан бирга, “адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарурлиги, бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш,

адвокатларнинг ваколатларини кенгайтириш ҳамда адвокатура институтида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам борлиги”³ суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.


Маълумки, одил судловнинг ажралмас қисми — адвокатура, ушбу институтнинг адолат қарор топишидаги ўрни беқийёс.

Ўзбекистонда бугун 4 мингга яқин адвокат фаолият кўрсатиб, ҳар 8,5 минг нафар аҳолига ўртача биттадан шундай мутахассис тўғри келмоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезони. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. — 2019. — 8 декабрь.

² Батафсилроқ қаранг: Адвокатура институтининг ривожланиши — суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг муҳим омили // Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society. — 2015. — №1. — Б.57; Повышение качества и обеспечение независимости системы адвокатуры. Адвокатура как институт гражданского общества // — 2007. — №1. — С.96-98; Адвокатура институтининг сифати ва мустақиллигини таъминлаш — фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим омили // — 2016. — №1. — Б.32-35; Адвокатура как один из гарантов обеспечения интересов личности, общества и государства // — 2018. — №3. — С.62-64; Фуқаролик жамияти тизимида адвокатларнинг сифати ва мустақиллигини таъминлаш // — 2007. — №3. — Б.32-34; Адвокатларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг миллий тизимидаги ўрни // — 2018. — №4. — Б.23-26 ва бошқ.

³ Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезони. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. — 2019. — 8 декабрь.





Адвокатларнинг 43 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган бўлиб, вилоятларнинг 20 та туманида бирорта ҳам адвокатлик фирмаси рўйхатдан ўтмаган.

Адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йиллик юридик стажни талаб этишни бекор қилиш, талабаликдан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартибини жорий этиш керак. Юридик олий ўқув юртларида “адвокатлик фаолияти” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади.

Давлат томонидан тақдим этилган адвокатларни танлашнинг очиқ-ошқора тартиби йўқлиги боис, айрим терговчилар ўзига таниш адвокатларни чақириб, айбланувчига таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради. Тегишли вазирликларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизимини ишга тушириш топшириғи берилди. Бу дастлаб пойтахтимизда эксперимент тариқасида жорий этилади.

Шунингдек, ўта оғир жиноятда айбланётган шахсларнинг иши бўйича, ундан ташқари, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётган ҳолатларда ҳам адвокат иштирокини мажбурий этиб белгилаб қўйиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди⁴.

Ўз ечимини топмаган муаммолар орасида, айниқса:

айни бир шахснинг кетма-кет икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси бўлиши мумкин эмаслиги;

адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш орқали ягона қонун ҳужжати — “Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиш зарурлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этишга ва улар юза-

сидан фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли эканлиги;

адвокатлик бюросини таъсис этган адвокат ўз фаолиятини унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш учун нотурар жойлар тоифасига ўтказиши талаб этилмаслиги;

адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари миқдорлари қонун ости ҳужжатлари билан эмас, балки устувор қонун даражасида белгилашни зарурлигидир.

Адвокатура институтида ўзини ўзи бошқариш адвокатлар мустақиллигини таъминлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли, “**адвокатура институтида ўзини ўзи бошқариш**” ва “**адвокатлар ҳамжамияти**” тушунчалари қиёсий таҳлил этилиб, улар нисбатининг мазмун-моҳиятини очиб беришимиз ҳамда бир-бирига ўхшаш ва ўзига хос фарқли хусусиятларини тадқиқ этишимиз керак.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида адвокатура институти давлат органи мақомидан ўзини ўзи бошқариш тизимига эга бўлган адвокатларни бирлаштирувчи ягона марказлашган ташкилот сифатида тадрижий шаклланган. Адвокатура институтида ўзини ўзи бошқаришни тўлиқ таъминлаш бошқарувнинг мақбул шаклидир. Шу билан бирга, ўзини ўзи бошқариш адвокатуранинг давлат ҳокимияти таъсиридан бутунлай озод этмаслиги, ҳуқуқий ҳужжат орқали давлат ўз таъсирини доимо сақлаб турмоқда.

Бундан ташқари, замонавий демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантиришда ўзини ўзи бошқариш хусусиятига эга касбий бирлашмаларни нодавлат ноижорат ташкилотлардан фарқлашга ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизда ўзини ўзи тартибга солиш аломатларига эга ташкилотларнинг ушбу мақомда фаолият кўрсатиши мумкинлигини ягона қонун ҳужжатида аниқ белгилаш, касбий фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиб-таомилларининг муқобил ҳуқуқий механизмла-

⁴ Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши кураш муҳокама қилинди. 2020 й. 30 июнь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти — www.president.uz.



рини яратиш, шу жумладан уларни бирлашма-ларга мажбурий аъзолик институти билан алмаштириш зарур, деган хулосага келинган.

Адвокатлар ҳайъати ва адвокатлик фирмасининг жамоавий ёндашувга асосланиши, устав ва таъсис (шериклик) шартномаси уларнинг таъсис ҳужжатлари ҳисобланиши, нотурар жойда жойлашиши, нотижорат ташкилот мақомига эгаллиги, ўз ваколатхона ва филиалларини ташкил этиши мумкинлиги, солиқ агенти эканлиги, адвокатлик ҳайъати адвокати таъсис шартномасидан ва адвокатлик фирмаси адвокати шериклик шартномасидан чиққан тақдирда, у ўзи иштирок этган даврда юзага келган мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахс ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлиши, уларни тугатиш муассислар (аъзолар, шериклар) қарорига биноан амалга оширилиши каби бир қатор умумий жиҳатлар борлиги, шу билан бирга, адвокатлик фирмаси шериклардан, ҳайъат эса аъзолардан иборат бўлиши, бир тарафи адвокатлик фирмаси бўлган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бўйича айнан бир адвокат эмас, балки фирманинг барча адвокат-шериклари ишонч билдирган шахс олдида жавобгар бўлиши, адвокатлик фирмаси шериклари адвокатлар ҳайъат аъзоларидан фарқли равишда бошқарувчи шерик ёки бошқа шерик билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим тузган барча ишонч билдирувчи шахслар олдида солидар жавобгар бўлиши, адвокатлик фирмаси шериклари адвокатлар ҳайъат аъзоларидан фарқли равишда бошқарувчи шерик ёки бошқа шерик билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим тузган барча ишонч билдирувчи шахслар олдида солидар жавобгар бўлиши, адвокатлик фирмаси шериклик шартномасининг амал қилиш муддати мавжуд бўлиши, адвокатлар ҳайъати эса, қоида тариқасида, номуайян муддатга ташкил этилиши, адвокатлик фирмасида шериклик шартномаси бекор қилинган пайтдан бошлаб адвокатларга юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш таъқиқланиши каби хусусиятлари билан фарқланмоқда.

Шу билан бирга, адвокатлар ҳайъати адвокатлари ҳайъат мажбуриятлари бўйича, адвокатлар ҳайъати эса унинг адвокатлари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмалиги, адвокатлик ҳайъати адвокати таъсис шартномасидан чиққан тақдирда шартномада ўзи иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахс ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлиши асослантилди, хорижий мамлакатлар (АҚШ, Россия) тажрибаси

ҳамда халқаро стандартлардан келиб чиқиб, адвокатлик фирмасининг шериклари томонидан манфаатлари бир-бирига зид бўлган шахсларга юридик ёрдам кўрсатишга йўл қўйиб бўлмалиги ҳақидаги таклифни илгари суриш мумкин.

Адвокатлик тузилмалари сифатида **адвокатлик бюроси ва юридик маслаҳатхонанинг** ҳуқуқий мақоми тадқиқ этилиб, адвокатлик бюросида адвокатлик фаолиятини амалга оширишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳамда унинг мазмун-моҳияти тизимли таҳлил этилиб, уларнинг хусусиятларини асосли тарзда баён этиш зарур.

Адвокатлик бюросида адвокатнинг ўз фаолиятини амалга ошириши чоғида касбий обрўсини кўтариш имкониятининг юқорилиги, сарф-харажатларнинг камлиги ижобий жиҳатлар деб баҳоланса, етарли ишчанлик касбий муҳитнинг мавжуд эмаслиги, сарф-харажатлар якка шахс — адвокатнинг зиммасида бўлиши, ишонч билдирувчи шахслар нисбатан камроқ бўлишини унинг салбий аломатлари сифатида ажратиш кўрсатиш лозим.

Адвокатлик бюросининг ҳуқуқий мақомида унинг якка тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириши белгиланганлиги сабабли, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида **давлат томонидан имтиёзли кредитлар, ссудалар ва бошқа имтиёзлар, хусусан, уни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ставкаси адвокатлар ҳайъати ва адвокатлар фирмасидан фарқланиши зарур.** Истиқболда **якка тартибда адвокатлик фаолиятини йўлга қўйган адвокатларни ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритиш орқали адвокатлик бюросини юридик шахс бўлмаган мақомда белгилаш лозимлиги** ҳамда шу соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш зарур. Шунингдек, адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божини Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ваколатидан Адвокатлар палатасининг ваколатига ўтказиш лозим.

Юридик маслаҳатхонанинг ҳуқуқий мақоми тегишли ҳудуддаги юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш ва адвокатлик тузилмаларининг етарлилиги мезонидан эмас, балки аҳолига бепул малакали юридик ёрдам кўрсатиш тизимидан келиб чиқиб белгилаш зарур. Бунда, бепул малакали юридик ёрдам кўрсатиш тизи-



мини давлатнинг ижтимоий буюртмаси, ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг молиявий маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш асосида Адвокатлар палатаси томонидан мамлакатимизнинг 204 та туман, шаҳарларида юридик маслаҳатхоналарни ташкил этиш орқали ҳал этиш лозимлиги, бунда юридик маслаҳатхонада “устоз-шогирд” анъанасини йўлга қўйиш, ҳудуддаги ёши улуг, тажрибали адвокатлар ҳамда адвокатурага кириб келган ёш адвокатларни жалб этиш зарур. Бундан ташқари, юридик маслаҳатхона учун хизмат хоналарини тегишли ҳудудий адлия органлари ёки давлат хизматлари марказлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биноларига ижара тўловининг “ноль” ставкаси асосида жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Асосий манба:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 й. 12 майдаги “Адвокатура институти самардорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги Фармони // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти — www.lex.uz.

Тавсия этилаётган қўшимча манбалар:

Рагулин А.В. Адвокатура и цифровая экономика // Евразийская адвокатура. — 2020. — №2(45). — С.9-22.

Финтисов М.И. Особенности организационно-правовых аспектов коллегии адвокатов и адвокатского бюро как формы адвокатских образований // В сборнике: Актуальные исследования и инновации. Сборник статей II Международной научно-практической конференции. — 2018. — С. 48-50.

Лихолетов Т.А. Адвокатское бюро как юридическое лицо // Аллея науки. — 2019. — Т.1. — №6(33). — С.414-417.

Stephanie Chipeur. The advice lawyers give themselves: the Canadian Bar Association's campaign for timekeeping in the mid-twentieth century // International Journal of the Legal Profession. — 2014. — Vol.21. — Issue 1.

Коллегия, фирма, бюро как субъекты обеспечения независимости института адвокатуры

Валишер ДАВЛЯТОВ,

доктор философии по юридическим наукам (PhD),

Институт проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан

Ключевые слова: права человека, самоуправление, адвокатское сообщество, запрос адвоката, лицензирование адвокатской деятельности, доступ адвоката к подзащитному, стажер адвоката, квалификационная комиссия, правовая защита, профессиональная этика адвоката, защита адвокатов от угроз.

Краткое содержание. Разработаны конкретные рекомендации по оптимизации адвокатуры как правозащитного института, деятельности Палаты адвокатов, повышению квалификации и добросовестности адвокатов, доверия населения, конкуренции на рынке юридических консультационных услуг, мерам государственной поддержки указанных структур.

Board, firm, bureau as entities of ensuring the independence of the institution of the Bar

Valisher DAVLYATOV,

PhD in Law,

Institute for Legislation and Parliamentary Studies under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan

Keywords: human rights, self-government, lawyers community, barrister requests, licensing of lawyers activities, lawyer's access to client, lawyer's intern, qualification commission, legal protection, professional ethics of lawyer, defense of lawyers from threats.

Summary. The author develops specific recommendations for perfecting the profession of the barrister as a human rights institution, for streamlining the activities of the Chamber of Lawyers, improving the qualifications and integrity of lawyers as well as public confidence, ensuring competition in the market of legal consulting services, along with proposals on measures of state support for these institutions.